



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 02 ноябр

Ғиждувон тумани

4-2003-2202/1291-сонли иш

Ғиждувон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Б.Т.Кенжаев раислигида, судья ёрдамчиси А.Шарифовнинг котиблигида, аризачи вакили Ш.Исоқов (ишончнома билан) иштирокида аризачи ХХХнинг қарздор «ХХХ» фермер хўжалигини соддалаштирилган тартиб асосида тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топиш ҳақидаги аризасини даъво аризасини очик сайёр суд мажлисида Ғиждувон туман Давлат солиқ инспекцияси биносида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи ХХХ Ғиждувон туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «ХХХ» фермер хўжалигини соддалаштирилган тартиб асосида тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топишликни сўраган.

«ХХХ» фермер хўжалигига 2003 йил 07 июнда Шофиркон тумани “Давлат хизматлари маркази” томонидан №538-сонли реестр тартиб рақами билан гувоҳнома берилган. Жамиятнинг низоми бўйича асосий фаолияти фермер хўжалиги фаолиятини амалга оширишдан иборат бўлган.

Жамиятнинг юридик манзили Шофиркон тумани, Саврак МФЙ, Саврак кўчасида жойлашган. Жамият раҳбари Боймуродова Хонзода Тоштемировна бўлган.

Қарздор «ХХХ» фермер хўжалиги ҳисобидан Шофиркон туман ДСИ фойдасига 22.829.071 сўм солиқ қарзи ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари қўзғатилиб, ижро ҳужжатлари ижро қилишлик учун мажбурий ижро бюросига жўнатилган. Қарздор «ХХХ» фермер хўжалиги давлат ижрочисининг белгиланган ихтиёрий муддат ичида ижро ҳужжатида кўрсатилган қонуний талабларни бажармаганлиги сабабли корхонанинг иш ҳақидан ташқари ҳисоб рақамларига инкасса топшириқномасига асосан банд солинган.

Қарздорнинг мулкий аҳволини текшириш мақсадида тегишлича ваколатли органларга сўров хатлари юборилган.

Мажбурий ижро бюросининг Шофиркон туман бўлими томонидан иқтисодий суднинг ижро варақаларини ижро этиш ва солиқ қарзини ундириш мақсадида 2020-2021 йиллар давомида 3 та 22.829.071 сўмлик ижро варақалари мажбурий ижро қилиш чоралари кўрилган. Барча чоралар кўрилган бўлишига қарамасдан пул маблағи келиб тушмаган.

Ҳозирги кунда қарздор «ХХХ» фермер хўжалиги корхонаси фаолият юритмаётганлиги, ҳисоб рақамларида айланма пул маблағлари бўйича ўзгариш йўқлиги аниқланган. Ижро ҳужжатлари асосида ижро ишлари юзасидан ижро ҳаракатлари давом эттирилаётганлигига қарамасдан кредиторлик қарздорлигини қоплаш бўйича бирон бир чора кўрилмаганлиги боис тўловга қобилиятсиз деб топиш (банкрот деб) топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилинган.

Суд мажлисида аризачи вакили ва муваққат бошқарувчи иштирок этиб, аризани талабларини қувватлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган пайтда жамиятни тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топиш бўйича барча аломатлар мавжудлигини бўлганлигини, суд мажлиси кунига келиб жамиятнинг бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалар олдидаги солиқ қарзи қисман тўланганлигини, ҳозирги кунда кредиторлик қарздорлиги мавжудлигини, суддан қарздор «ХХХ» фермер хўжалигини



соддалаштирилган тартиб асосида тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили суд мажлиси бўлиши тўғрисида тегишли тартибда огоҳлантирилганлигига қарамасдан суд мажлисида ўзининг ишончли вакили иштирокини таъминламади. Даъвогар томонидан берилган даъво аризаси бўйича бирон бир фикрнома тақдим қилмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Процессуал Кодекси 128-моддасига кўра суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексадa назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланиши белгиланган.

Суд иш хужжатларини ўрганиб чиқиб ва муҳокама қилиб, даъвогар вакили фикрини тинглаб, даъвогарнинг ариза талабларини қаноатлантириш тўғрисидаги хулосасини эшитиб, куйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонунига кўра, ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъий назар, кредитор, Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин.

Иш хужжатларидан маълум бўлишича, «XXX» фермер хўжалигига 2003 йил 07 июнда Шофиркон тумани “Давлат хизматлари маркази” томонидан №538-сонли реестр тартиб рақами билан гувоҳнома берилган. Жамиятнинг низоми бўйича асосий фаолияти фермер хўжалиги фаолиятини амалга оширишдан иборат бўлган.

Жамиятнинг юридик манзили Шофиркон тумани, Саврак МФЙ, Саврак кўчасида жойлашган. Жамият раҳбари Боймуродова Хонзода Тоштемировна бўлган.

Қарздор «XXX» фермер хўжалиги ҳисобидан Шофиркон туман ДСИ фойдасига 22.829.071 сўм солиқ қарзи ундириш тўғрисидаги ижро хужжатлари кўзғатилиб, ижро хужжатлари ижро қилишлик учун мажбурий ижро бюросига жўнатилган. Қарздор «XXX» фермер хўжалиги давлат ижрочисининг белгиланган ихтиёрий муддат ичида ижро хужжатида кўрсатилган қонуний талабларни бажармаганлиги сабабли корхонанинг иш ҳақидан ташқари ҳисоб рақамларига инкасса топшириқномасига асосан банд солинган.

Қарздорнинг мулкий аҳволини текшириш мақсадида тегишлича ваколатли органларга сўров хатлари юборилган.

Мажбурий ижро бюросининг Шофиркон туман бўлими томонидан иқтисодий суднинг ижро варақаларини ижро этиш ва солиқ қарзини ундириш мақсадида 2020-2021 йиллар давомида 3 та 22.829.071 сўмлик ижро варақалари мажбурий ижро қилиш чоралари кўрилган. Барча чоралар кўрилган бўлишига қарамасдан пул маблағи келиб тушмаган.

Хўжаликнинг иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлашининг сабаблари муваққат бошқарувчи томонидан таҳлил қилинганда, жамият тўлов қобилиятини йўқотганлиги ва қарзларни ундириш имкони мавжуд эмаслиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига асосан тўловга қобилиятсизлик аломатлари вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.



Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Қонуннинг 37-моддасига кўра тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш асослари тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда суд томонидан кўзгатилиши мумкин, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида ишни юритиш кредиторларнинг, қарздорнинг ва ушбу Қонун билан ваколат берилган шахсларнинг аризаси асосида жорий этилади.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ва тўловга қобилиятсизликни тиклаш тартиб-таомилларидан бирини қўллаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга қарздорнинг вақтинча тўловга қобилиятсизлиги асос бўлади.

Қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳамда уни банкрот деб топиш, шунингдек тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш учун қарздорнинг доимий тўловга қобилиятсизлиги асос бўлади.

Кредиторнинг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳамда уни банкрот деб топиш, шунингдек тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида ариза билан судга мурожаат этиши учун кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан суднинг қонуний кучга кирган қарори, мазкур талаблар қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг ижро хати асос бўлади.

Давлат солиқ хизмати органи томонидан қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақида ариза бериш учун солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни ундириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунида қарздорни банкротликнинг соддалаштирилган тартиби бўйича банкрот деб топиш (тугатиладиган ёки ҳозир бўлмаган қарздор) ҳақидаги аризани қабул қилишда ҳисоб рақамига қўйилган ва қарздорнинг пул маблағлари йўқлиги учун банк бажармаганлиги, инкасса топшириқномаларини аризага илова қилиниши, давлат солиқ хизмат органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан қарзни олишга доир чоралар кўрилганлигини далили бўлиши лозимлиги белгиланган.

Қарздор «XXX» фермер хўжалигининг кредиторлик қарздорлиги тўланмаганлиги XXX томонидан берилган маълумотнома билан ўз тасдиғини топди.

Шунга кўра, суд қарздор «XXX» фермер хўжалигини соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Қарздор «XXX» фермер хўжалигининг тугатиш бошқарувчиси этиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш Агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган бошқарувчиси **Ҳақимов Собир Сафарович**ни тайинлаш тўғрисида судга мурожаат қилинган.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни 5,6,7,37,45 ва 52-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 176-179, 196-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Аризачи XXXнинг қарздор «XXX» фермер хўжалигини тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Қарздор «XXX» фермер хўжалиги соддалаштирилган тартиб асосида тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топилсин ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш Агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган Ҳақимов Собир Сафарович суд бошқарувчиси этиб тайинлансин ҳамда тугатиш бошқарувчиси зиммасига:



- Ўзбекистон Республикаси «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган қоидага риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли Қарорига мувофиқ бир ой муддатда қарздор фаолияти бўйича сохта тўловга қобилиятсизлик (банкротлик), тўловга қобилиятсизликни (банкротликни) яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича хулоса тақдим этиш;

- тугатишга доир иш юритишни қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва **2022 йилнинг 2 декабрга** қадар судга унинг натижалари ҳақида ҳисобот тақдим қилиш юклатилсин.

Тугатиш бошқарувчисига тугатишга доир иш юритиш таомилини яқунлаш Қонуннинг 144-моддасида назарда тутилган умумий талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги, шунингдек тугатишга доир иш юритиш вақтида қарздорнинг ноқонуний бегоналаштирилган мол-мулкни аниқлаш билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Қарздор «**XXX**» **фермер хўжалиги** ҳисобидан аризачи XXX фойдасига олдиндан тўлаб чиқилган 900.000 сўм миқдорида давлат божи ва 24.000 сўм миқдордаги почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида мазкур суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ва (ёки) прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи:

Б.Кенжаев

